O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

# B U Y R U G ' I

20*19* yil "*19*" *03* *226* -son Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 11 қ/қ сонли қўшма қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларидан хорижда малака ошириш, стажировкадан ўтиш, докторантура ва магистратурада ўқиш учун юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги 11 қ/қ-сонли қўшма қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларидан хорижда малака ошириш, стажировкадан ўтиш, докторантура ва магистратурада ўқиш учун юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги 11 қ/қ-сонли қўшма қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашевга:

2.1. 10 кун муддатда институт тиллар кафедраси ўқитувчилар ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда 2020 йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси дастурлари бўйича хорижда таҳсил олишни режалаштирилаётган 12 нафар номзодларни хорижий тилларни билиш даражаси аниқлансин.

2.2. Танлаб олинган 12 нафар номзодлар олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув курсларида тўлиқ иштироки таъминлансин.

001812

2.3. Курс тингловчиларига олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун ишлаб чиқилган English.edu.uz манзилидаги платформа орқали дастур доирасида белгиланган топшириқларни он-лайн режимида мустақил ўзлаштиришлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларининг 2019 йилнинг 5 мартдаги 11қ/қ қўшма қарори.*

**Ректор** **И.И.Алимджанов**

ASLIGA TO'G'RI

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
DEVONXONA